

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 9-NOYABR ■ SESHANBA ■ 133 (27.308) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

бошқа партияларга нисбатан муқобил куч сифатида сўл йўналишда ҳаракат қилади

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING IV ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2004 йил 6 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги «Dedeman silk road Tashkent» меҳмонхонасининг катта залида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IV қурултойи бўлиб ўтди



Унда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан келган делегатлар — партиянинг 580 мингдан ортиқ аъзоларининг вакиллари, таклиф этилган партия фаоллари, хорижий меҳмонлар, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари хо-

диллари иштирок этдилар. Делегатлар қурултой кун тартибига киритилган партиянинг ўтган беш йилликдаги фаолияти, мамлакат ривожланишининг ҳозирги босқичдаги стратегияси ва тактикаси, ХДПнинг янги тахрирдаги Устави ва сайловолди Платформаси, сайлов кампа-

ниясида иштироки ва қатор бошқа масалаларни кўриб чиқдилар. Партиянинг беш йиллик фаолияти ва келажақдаги стратегия-тактикаси ҳақида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби **Аслиддин Рустамов** маъруза қилди. Партия ўтган даврда учраган қўйинчиликларни енгиб, сафларини муносиб фуқаролар, ҳусусан, ёшлар билан тўлдирди, ташкилий тузилмаларини такомиллаштирди, ўзининг дастурий ғояларини оммалаштириш чораларини кўрди. Уларни рўйга чиқариш мақсадида Олий Мажлисдаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ўз депутатлик гуруҳларидан фойдаланди. Натижада партия аъзолари сони ошди, сафлари муқаммаланди. Биринчи котиб партия ҳозирги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида

сўзлар экан, Ўзбекистон ХДПнинг жамиятдаги маъқеи ва асосий вазифаси масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. **Ўзбекистон ХДП**, — деди у, — **мамлакат сиёсий ҳаётида сўллик позициясида бўлишини, бошқа сиёсий партияларга нисбатан сўл қанотда туришини расман эълон қилади.**

Шундан келиб чиқиб, партия меҳнат аҳлини, — кам даромадли, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, талабалар, ишсиз ёшлар, ногиронларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси этиб белгилайди.

Маърузачи Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимизда бошланган сайлов кампаниясида фаол иштирок қилиши билан боғлиқ масалаларга тўхталиб, партиямиз 2004 йил декабрь



сайловида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан муносиб ўрин олиб, ўзининг нуфузли фракциясини тузиш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ҳозирги етакчилик ма-

қеини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилиши лозимлигини асослаб берди.

2-БЕТ



## СУРХОН ДЕҲҚОНИНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ



**«Пахта — 2004»** Сурхондарёлик пахтакорлар зафар маррасига эришди. Йил ўн икки ой деҳқон заҳмати орқали етиштирилган 120 минг гектар ердаги пахта нест-нобуд қилинмасдан йиғиб-териб олинди. Жами 345 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилди. Ҳар гектар майдондан ўртача 28,8 центнердан ҳосил олинди.

Бу йилги деҳқончиликда ер ҳайдашдан тортиб то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган жараёнларда пахтакорнинг шериклари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишди. Жумладан, «Қишлоқхўжалиқимиз», Нефть маҳсулотлари таъминоти шўба корхонаси, Машина-трактор парклари бошқармаси, сув билан таъминлаш ҳавза бошқармалари жамоаси айни ҳосил тақдири ҳал бўлаётган

пайтда деҳқонни маҳтал қилишмади, ўз вақтида маъданли ўғит, сув, нефть маҳсулотлари келтириб турилди. Далаларда ишлайдиган тракторлар тўхтаб қолмаслиги учун эҳтиёт қисмлар келтирилди.

Халқимизда «Сифатли уруғ — ҳосил бўлиқ» деган ҳикматли гап бор. Кейинги йилларда далаларимизда гузанинг тезлиши ва серҳосил навлари си-наб кўрилмоқда. Бу йил 41,5

минг гектар майдонда «Бухоро-6», 29,1 минг гектар далада «Наманган-77», 22,7 минг гектар ерга «Оққўрғон-2», 17 минг гектар далага «Денов», 10 минг гектар ерга «Термиз-31» ҳамда қарий 4 минг гектар майдонда гузанинг янги ва истиқболли навлари экилди. Демак, деҳқонларимиз шароитта мос гуза навларини танлашгани учун ҳам қўзланган ҳосил яратилди. Йил йилга ўхшамас, дейди-

лар. Аммо табиат бу йил ҳам деҳқонларимизга анча ташвиш келтирди. Баҳорда 17 минг гектар майдонга қайта чигит экишга тўғри келди. Гуза ҳосил туғаётган пайтда зараркундалар, айниқса, қўсақ курти дала-ларда анча кўпайди. Оқибатда пахтакорлар экинни бот-бот суғориш ва озиклантиришга маж-бур бўлдилар. Фақат машаққат-лар эвазига бой берилган им-кониятлар ўрни тўлдирилди.


3-БЕТ

## ПЛЕНУМЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

6 ноябрь куни Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг I пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси аъзолари таркиби ва МК котибларини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленум Аслиддин Рустамовни ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, Изидор Кочмарик, Собиржон Усмонов ҳамда Михаил Ельшовларни МК котиб-лари этиб сайлади.

Шу куни ўтказилган ХДП Марказий Тафтиш комиссиясининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Унга мувофиқ Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов МТК раислигига қайта сайланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



ПАРЛАМЕНТНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОҲИЯТИ ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИГА, КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИҚ

## СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЁШЛАРИНИНГ ЎРНИ

Айни бир паллада мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртиларида «Сайлов ва ёшлар» мавзусида анжуман, учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Уларда асосан шу йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган парламентнинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида бўлиб ўтди. Унда бу муҳим сиёсий жараёнда ёшларнинг ўрни ва иштироки, сайлов ҳуқуқи ва тизими, Ўзбек парламентчилиги тарихи, кўппартиявийликнинг афзалликлари ҳақида мулоҳаза юритилди. Бундан ташқари Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши, уларнинг таркиби ва олиб борадиган фаолияти, дунё сайлов тизими тажрибаси, АҚШ ва Россия парламентчилиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Мулоқот қизғин баҳо-мунозараларга бой бўлди. Талабалар ўзларини қизиқтирган кўплав сааволларга жавоб олдилар.

Маъмуржон МАҲМУД

Ахборот

## ТУРКМАНИСТОН: МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАГИ 13 ЙИЛ

27 октябрда Туркменистонда мамлакат мустақиллигининг 13 йиллик айёми кенг ва байрамона руҳда нишонланди. Мамлакатнинг барча вилоятларида туркман халқининг энг азиз миллий байрамига бағишланган тантанали ва ранг-баранг тадбирлар бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида Туркменистонда замонавий ёнлиги-энергетика, қайта ишлаш ва тўқимачилик ҳамда қурилиш санаяти, қишлоқ хўжалиги тармоғи, транспорт ва алоқа соҳаларини ўз ичига олган мустақам иқтисодий асос барпо этилди. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган қатор фабрика ва заводлар, ўзига хос мейморий мажмуалар, боғлар ва сайилгоҳлар, қулай турар жой иншоотлари бунёд этилди, замонавий магистраллар ва транспорт коммуникация тармоқлари ривожланмоқда.

«Туркменистоннинг иқтисодий ва маданий тараққиёти» миллий дастури қабул қилинган бўлиб, унда халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш масалалари кўзда тутилган. Дастурда учта устувор вазифа белгилаб берилган:

— Туркменистоннинг ривожланган мамлакатлар турмуш даражасига эришиши,

содий ривожланишнинг юқори суръатлари, янги технологиялар ва ишлаб чиқариш усуллари жорий этиш ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш эвазига мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш; — аҳоли сонига нисбатан ялли ишлаб чиқаришни узлуксиз ўстириш;

— юқсак сармовий фаоллик ва ишлаб чиқариш иншоотларини қуришни кенгайтириш.

Туркменистон ҳукумати ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, аҳолини давлат ҳисобидан газ, электр, сув, маориф ва тиббий хизмат билан таъминлаш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинган. Расмий статистика маълумотларига кўра, юқориди зикр этилган ва бошқа ижтимоий дастурлар учун давлат бюджети умумий ҳаражатларининг 75 фоизидан кўпроғи сарфланади.

3-БЕТ

## ТАБИАТНИ АСРАГАН ЎЗИНИ ҲАМ АСРАЙДИ

Тошкент вилоятида республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг ташаббуси билан Оҳангарон, Ангрэн, Олмалик шаҳарлари ҳудудида машинаш ва санаят чикдиларини қайта ишлашнинг ўрганиш мавзусига бағишланган қўша семинар-тренинг бўлиб ўтди. Жойларда ўтказилган ушбу экологик анжуманда «Яшаш муҳити» нодавлат ноижорат ташкилоти ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, GEF — Оролни кутқариш халқаро жамғармаси агентлиги ва «Эко-сан» халқаро хайрия жамғармаси мутахассислари иштирок этишди. Анжуман қатнашчиларига йўналишлар бўйлаб Ангрэн табиатни муҳофаза қилиш минтақавий кўми-

таси директори Бакир Расулов йўлбошчилик қилди. Оҳангарон водийсига уюштирилган сафар чоғида эколог-журналистлар табиатни асраш бора-сида амалга оширилаётган сай-харақатлар, ечимни кутаётган муаммолар билан яқиндан танишдилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган сааволларга тегишли ташкилот вакилларидан жавоблар олишди.

Она табиатни мусоффо сақлаш, экологини барқарорлаштириш, теварак-атроф ҳавоси ва ичимлик сувининг тозаллигига эришиш билан инсон энг аввало, ўзини-ўзи ва келажагини асрайди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ  
BANK XALQ BANKI

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA NAMKOR!  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALQOBANK** — aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22  
WWW.alqobank.uz E-mail: info@alqobank.uz



Кучла давлатдан — кучла жамият сари

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, халқимиз тарихидаги энг улуғ воқеалардан бири — Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилинганлиги бўлди. Бу — миллат тарихидаги чинакам миллий байрам сифатида ҳар йили кенг нишонланади. Республикаимиз Президентини Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида бу ҳаётбахш қонуннинг моҳиятига тўхталиб, шундай деган эди: «...Ҳақиқат шундан иборатки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқро мийонда ортб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизига Конституцияимиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга тадбиқ этаёт-

дир. Сайловларнинг муқобиллик асосида ўтиши, унинг энг муҳим хусусияти. Аммо, юқорида таъкидланганидек, муқобиллик эҳдида, ёхуд ошқора қарама-қаршилик дегани эмас. Сайловда шахсий, маҳаллий ва фирқавий манфаатлар умуммиллат манфаатларидан устун бўлмаслиги, муқобил номзоднинг ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилмаслиги, умуман, шахсий гаразлар, ақидалар ёхуд қарашларнинг мурасасизлиги халқро мезонлар доирасида бўлиши шарт. Сайловларнинг бевосита иккинчи босқичи — яъни, сайлов жараёнини ўзи ҳам қонун доирасида, халқро андозаларга мос равишда ўтиши керак. Сайлов кунини сайловчи томонидан бўзиб қўйилган бюллетен алмаштирилиши, сайлов ўтидиган кунда овоз бериш имкониятига эга бўлмаган сайловчи олдинроқ овоз бериши қонун

умуман, бугун халқ фаол иштирок этди. Икки юздан ортиқ турли тақлиф ва мулоҳазалар мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди. Халқимизнинг сиёсий фаоллиги қонунчи янада муқаммал ва замон талабларига мос бўлишини таъмин этди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан фикр-мулоҳазалар ўрганилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши икки палатали парламентни яратилишнинг ҳуқуқий асосларини бунёд этиш демократия. Иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида Президентининг И.Каримов шундай деган эди: «Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолияти йўналишларининг, бу масала-

давомлиги таъминланди. Ана шу мақсадда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунларга қўра, Олий Мажлисининг навбатдаги қаҳриқидан икки палатали парламент, яъни юқори — Сенат, қуйи — Қонунчилик палаталари вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар нимага қўра ташланади? Бу ўзгаришлар асосан Конституцияимизнинг бешинчи бўлими XVIII — XX, XXII бобларига тааллуқлидир. Конституциянинг 77-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўпартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат. Сенат — юқори палата ҳамда қуйи — Қонунчилик палаталарининг вазифа ва ваколатлари ўзига хос ва бир-бирининг фаолиятига дахлсиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг бирлиқдаги ваколатлари Конституциянинг 78-моддасида мустахкамланган. Мазкур моддага мувофиқ ҳар икки палата Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш насини тайинлаш ҳақда қарор қабул қилиш; Ўзбекистон Республикасини ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; Ўзбекистон Республикасини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; Ўзбекистон Республикасини таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларини қабул қилиш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш каби муҳим давлат аҳамиятига молик ваколат ва вазифаларни адо этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларини, 80-модда эса Сенатнинг мутлақ ваколатларини мустахкамлайди. Ушбу моддаларга мувофиқ ҳар икки палатанинг вазифа ва масъулиятлари тартибга солинади. Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётига катта босқич бўлиб, демократия ва фуқаролик жамияти сари жаҳон андозаларига мувофиқ дунё тан олган таъминлар ва қонунлар асосида дадил одим ташланади. Дарҳақиқат, Конституция ва унинг асосида жамиятда амал қилаётган қонунлар ҳамма учун муқаддасдир. Зеро, қонунчи ҳурмат қилган, унга амал қилган халқнинг бугуни, эртаси ва келажиги порлоқ. Сайлов ҳуқуқининг конституциявий асослари жамиятда адолатли, демократик жараёнларнинг муҳим омилдир. **Музаффар ТОЖИБЕВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти**

# САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ганимиз муҳассамдир». Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгандан сўнг инсон ҳуқуқлари халқро мезонлар даражасидаги энг нуфузли масалалардан бирига айланган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Асосий қонунимиз — Конституция асосида қабул қилинган қатор қонунларда акс этди. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мухожатлари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Референдум тўғрисида»ги, «Фуқаролик тўғрисида»ги, «Сайловлар тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир.

Сайловлар яширин овоз бериш воситасида амалга оширилади, аммо унинг бирин-бир лаҳзаси халқ, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, халқро қўзғувчилар назаридан четда қолмайди. Сайлов участкалари ва округларда барча сайлов жараёнлари матбуот учун очик ва ошқора бўлади.

Сайлов хусусидаги барча қоидалар мазкур масалага доир қонунларда тўла-тўқис ўз ифодасини топан. Аммо энг муҳим дастур — бу давлат томонидан фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг қафолатланганлигидир. Маълумки, сайловлар асосан, уч босқичдан иборат: 1. Сайловларга ҳозирлик қўриш. 2. Сайлов жараёни. 3. Яқун.

Сайловларга тайёрларик давомида сайлов кунига қадар 18 ёшга тўлган, маълум сайлов участкасида доимий ёки вақтинча яшаб турган Ўзбекистон фуқароси сайловчилар рўйхатида кирмай қолган тақдирда сайлов ҳаётига арз қилиш ҳуқуқига эга. Сайлов ҳаётига 24 соат ичида аризини қўриб чиқиб, ўз хулосасини бериши лозим. Демократик сайловнинг моҳияти ҳам шундаки, у фуқароларга кенг имкониятлар беради. Ҳар бир фуқаронинг вазифаси ушбу ҳуқуқлардан оқилона фойдалана олишига ва уни ўз амалиётида қўллай билишига боғлиқ.

Сайловнинг муҳим жиҳати — танлов ҳуқуқининг қафолатланганлиги билан қафолатланади. Беморлар, ҳаракатсизлик ҳолатига тушиб қолган қариялар ҳам сайлов комиссиясининг назар-эътиборида бўлиб, уларнинг тегишли суратда сайловда иштирок этилиши таъминланади. Сайловлар давом этаётган пайтда сайловчиларга таҳдид солиш, уларни қўриқтириш ёхуд пора бериш йўли билан муайян номзод томонга оғдириш қатъиян ман қилинади.

Сайловларнинг демократик тамойиллар асосида, қонун талабига мос тарзда ўтказилиши жамоатчиликнинг аввало демократик қонунларга, ҳуқуқий-фуқаролик давлатларнинг афзалликларига нисбатан бўлган ишонч ва эътиқодларини кучайтиради. Одамларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги сайловларнинг қонун, демократия талабларига тўлиқ жавоб берадиган тарзда ўтишининг гаровидир. Сайловнинг асосий максдаларидан бири одамларда мазкур ҳодисаларга нисбатан қатъий ишонч ҳиссини уйғотишдан иборат бўлмоғи керак. Одамлар сайловга нима учун бораётганини, бу сайловлар охир-оқибат унинг ҳаётини ўзгаришига ишонилари лозим.

Ўзбекистон истиқлол туфайли қўлга киритган қадриятлари, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар йўлидан бориб, сайлов тизимини янада ривожлантириш, уни халқро мезонлар даражасига кўтариш, фуқаролик жамияти асосларини мустахкамлаш, ҳуқуқий давлат андозаларини жорий этиш каби ривожланган мамлакатларга хос вазифаларни қонун тартибига қўймоқда.

2003 йил, 29 августда бўлиб ўтган Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясини қонун тартибидидаги муҳим масалалардан бири «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси бўлди. Маълумки, мазкур қонун парламентнинг XI сессиясида маъқуллашиб, умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Қонун муҳокамасида кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, мулохазасизлар, зиёлилар, сиёсатчилар,

нинг барча жиҳатларини инобатга олган ҳолда қонунчи асосда конституциявий нуктаи назардан аниқ-равшан белгилаб берилиши, уларнинг ишида бир хиллик ва бир-бирининг тақдорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлади. Айни пайтда парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-ҳавога берилишнинг, низоли вазиятлар юзага келишининг ҳам олдини олишга имкон беради».

Этибор қаратсак, икки палатали парламент фаолиятининг тўб негизлари Президентнинг юқоридики таъкидларида яққол кўриниб турибди. Яъни, ҳар икки палатанинг конституциявий асосидаги қонунлар талаби асосида фаолият юритиши аввало давр таъқоси, қолаверса, улар халқимиз амалга ошираётган ислохотларни тезлаштиради. Парламентчилигимиз мактаби яна бир одим илгари босганини ҳам тасдиқ этади. Юқорида таъкидлаганидек, жамият ва халқ ҳаётидаги ҳар бир ислохот аввало аҳоли ўртасида ўтказилган референдум ва уша халқ дахлдор бўлган конституцияда ўз ифодасини топиши муқаррар.

Ҳўш, нима учун давр ўзбек парламентаризмининг ислох қилиниши тақозо этди? Янги шароитда истиқлолнинг иккинчи йиллик фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, бурчлари Конституцияимизда қафолатланди. Асосий қонунимиз шўроларча ҳаёт кечирдишга мосланган тизимда демократик жамиятга ўтишни таъмин қилди. Ўтган қисқа давр мубайнида Миллий парламенти миз хисобланган Олий Мажлиси қонун яратувчилик бобида анча шаклланди. Эндиликда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида ҳуқуқий иш юритишга асос бўлиб хизмат қилаётган қонунлар жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги таърибларга таянган ҳолда яратилаётганлиги эътиборлидир. Лекин ҳаёт ҳамшира жадвал ўсиш ва ривожланиш жараёнида. Демократик тамойилларга асосланган жамиятда қонун ҳаётдаги ўзгаришлардан орта қолмаслиги лозим. Шу ҳолда, нинча халқнинг хоҳиш-иродаси, интилиши ҳуқуқий аҳамият касб этиб, таъқоси сари дадил одимлашнинг бар-

# ТУРКМАНИСТОН: МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАГИ 13 ЙИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Туркменистоннинг доимий бетафраклик мақоми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинган. Мамлакат ўзининг миллий манфаатларини амалга ошириш учун қўлай ташқи муҳит яратишга интиломоқда. «Туркменистон бетафраклиги» моҳиятини очиб берар экан, Президент Сапармурод Ниёзов ўз мақолаларидан бирида шундай таъкидлайди: «Бу — мамлакатнинг ташқи дунё хавф-хатарлари ва хавотирларидан ҳоли бўлиши учун қобик эмас. Аксинча, бу замонавий дунёда ички тараққиётни таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлган самарали халқро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги мустахкам мавқеидир». Халқро миқёсда тинчлик ва хавфсизлик, ўзга мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини сақлаш, низолар тарқалишининг олдини олиш ҳамда мавжуд можоро ўчоқларини бартараф этиш Туркменистон ташқи сиёсатининг

устувор йўналишларидан хисобланади. Ривожланаётган бетафрак Туркменистон Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омилдир. Қадимий Шарқ мақолида айтилганидек, «Узоқ қариндошдан қўра яқин қўшни фазал». Яхши қўшничилик таърибаси ушбу мисраларда ифодаланган ҳикматни яққол исботламоқда. Ўзбек ва туркман халқларини қадим замонлардан бери самимий дўстлик ва хурматга асосланган мустахкам ришталар, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи манфаатлар бирлаштириб туради. Халқ Маслаҳатининг охириги кенгашида нутқ сўзлаган Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов «Биз Ўзбекистон билан қардошлик алоқаларини бундан бўён ҳам ривожлантирамиз», деб алоҳида қайд этди. Шу маънода у булажак ўзбек-туркман саммитининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ички ривожланмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳада юқори кўрсаткич таъминланди: ўтган йили товар айирбошлаш таъминан 90 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 100 миллионлик маррага яқинлашди. Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг ноябрь ойидаги Ўзбекистонга таърифи доирасида Бухорода бўлиб ўтадиган музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Президентининг ноябрь ойидаги Ўзбекистонга таърифи доирасида Бухорода бўлиб ўтадиган музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Президентининг ноябрь ойидаги Ўзбекистонга таърифи доирасида Бухорода бўлиб ўтадиган музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Президентининг ноябрь ойидаги Ўзбекистонга таърифи доирасида Бухорода бўлиб ўтадиган музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Исмом ШАРОПОВ «Жаҳон» АА шарҳловчиси



## ФАЛУЖА ҚУРШОВДА



Хориз оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Америка ва Ироқ қўшинлари қўзғолончилар томонидан назорат қилинаётган эди. Кот-д'Ивуар президенти Лоран Гбабога содиқ бўлган бир неча гуруҳ вакиллари аэропортни миллий қўшинлар назорати остига қайтаришга чақирган.

## РЕЗОЛЮЦИЯ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Суданнинг Дарфур минтақасидаги зиддиятларни ҳал этиш мақсадида қабул қилинган резолюция лойиҳасини кўриб чиқишмоқда. Янги ҳужжат Судан жанубида энг узоқ тарихга эга бўлган қўзғолончилар ва ҳукумат ўртасидаги зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақиради. Таҳминларга қўра, резолюция Хавфсизлик Кенгаши томонидан Дарфур бўйича 17-18 ноябр кунлари Кенияда бўлиб ўтадиган махсус кенгашда қабул қилинади.


## ТАРТИБСИЗЛИКЛАР АВАЖИГА ЧИҚДИ

Кот-д'Ивуарда Франция тинчликпарвар қўчалари ва мамлакат ҳарбий қўшинлари орасида тўқнашувлар рўй берди. Рейтер агентлигининг хабар беришича, тўқнашувлар натижасида тинчликпарвар қўчалардан 9 нафар киши ҳалок бўлган. Куролланган Кот-д'Ивуар ҳукумати тарафдорлари мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Абиджан аэропортни томон йўл олганлар. Аэропорт Франция тинчликпарвар қўчалари томонидан назорат қилинаётган эди. Кот-д'Ивуар президенти Лоран Гбабога содиқ бўлган бир неча гуруҳ вакиллари аэропортни миллий қўшинлар назорати остига қайтаришга чақирган.

## ТАРТИБСИЗЛИКЛАР АВАЖИГА ЧИҚДИ

Француз қўшинлари Кот-д'Ивуарга тегишли иккита Су-25 кирувчисини йўқ қилгандан кейин тартибсизликлар бошланиб кетган. Бу мамлакатга тегишли ягона машиналар эди. Бундан ташқари учта вертолёт ҳам йўқ қилинган. Париж Кот-д'Ивуар авиацияси Бауки шаҳрига уюштирган ҳужумдан кейинги на кирувчиларни уриб тўширишга аҳд қилди. Ҳужум оқибатида 9 нафар Франция фуқароси ва 1 нафар АҚШ фуқароси ҳалок бўлган. Кот-д'Ивуарликлар француз кутубхонаси ва мактабининг тор-мор қилдилар.

# СУРХОН ДЕҲҚОНИНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳосилни йиғиштириб олиш ҳамшира ва ҳар замонада ҳам катта ташкилотчилик ва сафарбарликни талаб этган. Ҳосил йиғим-теримини Термиз шаҳар аҳолиси, воҳадаги ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда Термиз давлат университети талабалари ва бошқа ҳашарчиларнинг хизматлари катта бўлди. Термичиларга иш ҳақи ҳар беш кунда бериб бориладиган одамлар руҳлантириди. Мавсум давомида йиғим-теримда иштирок этганларга ҳамда хирмончиларга 14 миллиард сўмдан кўпроқ пул тарка-

тилди. Рағбат қўрган одамлар меҳнати аъзазига ҳосил сифати териб олинди. Шу боис яқин хирмоннинг 80 фоиздан кўпроги юқори навларга қабул қилинди. Вилоят пахтасининг 44 фоизи ёки 157 минг тоннадан ошмиқ «оқ олтинчи фермерлар етиштиришди. Шу йилнинг бошида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, паст рентабелли 21 та ширкат ҳўжалигининг ерлари фермерлик жамоаларига бўлиб берилганлиги ва ана шу кичик-кичик жамоалар аъзолари иш юритишнинг бу шакли умумжамоа бўлиб ишлагандан қўра анча афзаллигини қисқа фурсатда исботладилар. А.Қудратов, «Лочин», Шермухаммад бобо, «Ўртабўз», «Эски қўргон», «Солибод», «Сурхон воҳаси», «Хамрус», «Қулписта» сингари ўнлаб фермер ҳўжалиқлари ҳақда ҳосилдорлик гектарига 45-50 центнерга етди.

Сариосиё тумани деҳқонлари пахтачиликда ўзига хос мактаб яратганини бу мавсумда ҳам исботладилар. Туманда пахта тайёрлаш режасини баҳармадан бирорта пудратчи ёки ширкат қол-

## ДИҚҚАТ АУКЦИОН!

Давлат Мулк Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2004 йилнинг 10,14,17,21,24,28,31 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйиладиган автотранспорт воситалари ҳамда объектлар қўйиладиган: — Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 7-уйда жойлашган, «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмасининг «Mercedes-Benz» сервис хизмат кўрсатиши маркаси шўбба корхонасининг 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AJ 291 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси. — Тошкент шаҳар, Ю.Ражабий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳўжалик бошқармасининг 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AT 557 бўлган «BA3-2106» русумли автотранспорт воситаси. — Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, «Чилонзор» даҳаси, 21-мавзе, 26-уйда жойлашган 3 хонали, умумий майдони 58,08 кв.м бўлган 3-хонадон. — Тошкент шаҳар, Ю.Ражабий кўчаси, 1-уйда жойлашган 10AJ 291 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси. Савдода қатнашни истагани билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нарҳидан 10 фоиз миқдоридagi закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Узўйжоймагармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399667, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гўвоҳнома №000815

## РЕЗОЛЮЦИЯ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Суданнинг Дарфур минтақасидаги зиддиятларни ҳал этиш мақсадида қабул қилинган резолюция лойиҳасини кўриб чиқишмоқда. Янги ҳужжат Судан жанубида энг узоқ тарихга эга бўлган қўзғолончилар ва ҳукумат ўртасидаги зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақиради. Таҳминларга қўра, резолюция Хавфсизлик Кенгаши томонидан Дарфур бўйича 17-18 ноябр кунлари Кенияда бўлиб ўтадиган махсус кенгашда қабул қилинади.

## ГАЗ ПОРТЛАДИ

Боқудаги уйлارнинг бирида газ портлаши оқибатида 4 одам ҳалок бўлди. 15 нафар одам турли даражада жароҳат олган. Портлаш икки қаватли уйда рўй берди. Газ портлаган пайтда уйда истикомат қилувчилар ухлаб ётган.

## ФАЛАСТИН МУҲТОРИЯТИ РАҲБАРЛАРИ ПАРИЖДА

Фаластин мухториятининг юқори мартабали уч вакили касалхонада ётган Ёсир Арафотнинг аҳолидан хабар олиш учун Парижга етиб келди. Франция ташқи ишлар вазирлиги Мишель Барньеннинг хабар қилишича, делегация Фаластин бш вазири Аҳмад Курей, мухторият етакчиси вазифасини бажарувчи Махмуд Аббос ва ташқи ишлар вазири Набил Шаатдан иборат. Барньеннинг айтишича, Арафотнинг аҳоли оғир.

## ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР САРИ

Эрон ва Европа Иттифоқи расмий вакиллари Техрон ядро дастури бўйича ўтказилган музокараларда бир қадар ижобий натижаларга эришилди. Эрон, Британия, Германия ва Франция дипломатлари қатнашган ушбу музокаралар 2 кун давом этди. Музокараларни ўтказишдан мақсад урани бойитиш бўйича Эронда олиб борилаётган ишларни тўхтатиш эди. Техрон ядро қуролларини ишлаб чиқариш нияти йўқлигини маълум қилган. Бирок БМТ бу ишлар тугатилмаса Эронга қарши санкция қиритишини айтган.

«Обуна — 2005»

### ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

«Мулоқот» журнали халқимиз маънавиятини бойитиш, қадимий анъана ва қадриятларимизни тарғиб қилиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Журнал шу кунга доир муаммоларни дадил кўтариш билан бирга, маданий меросимизни ёшларимиз оғинга синдиришни ўзининг асосий мақсадларидан деб билади.

Тахририятга келаятган ҳар бир мактуб эътибордан четда қолмайди. Журнал ижодий жамоаси ўқувчиларнинг истак-хоҳишлари асосида нашри янада сермазмун қилиш, ҳаётий муаммоларни батафсил ёритиш юзасидан излашлар олиб бормоқда. Тахририят 2005 йилда ҳам халқимиз урф-одатлари, миллий анъана ва удумларига бағишланган мақолалар, шунингдек, инсонпарвар жамиятда жарамол шахс, ҳуқуқий мерос ва таълим-тарбияга оид баҳс-мунозаларни давом эттириш ниятида.

«Мулоқот» янги номларни кашф этиш борасида ҳам изчил фаолият юритиб келмоқда. Унинг саҳифаларида мунтазам ёш олимлар мусававилар, шоирлар ва ёзувчилар ижодидан бериб борилаётган намуналар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Азиз муштарий! Сиз агар 2005 йил учун «Мулоқот» журналига обуна бўлиб, унинг ҳар бир сони билан танишиб борсангиз, маънавий оламимизга оид теран мақолалар ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги муҳим жараёнлардан бохабар бўласиз. Унга ўз вақтида обуна бўлиш — ҳам моддий, ҳам маънавий ютуқ демакдир. Чунки у обуначилар учун бирмунча арзон. Журнал йил давомида олти марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 844.

Тадбир

### КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС

Тошкент давлат юридик институтида «Илмузиё» лойиҳаси асосида «Янги аср авлоди» нашриёт матбаа маркази ва «Macmillan Publishers Limited» компанияси биргаликда ташкил этган ўқув адабиётлари ва нашрлари тақдироти маросими ҳам ана шу мақсадда ўтказилди. Нотиқларнинг таъкидлашча, бундай тадбирлар ёшлар ўртасида ҳукм сураётган «китоб ўқишга қизиқиш» сувайиши ҳолатларини бартавраф этишга ёрдам бериши мумкин.

Шунингдек, маросимда «Янги аср авлоди» НММнинг «Синфдош кутубхонаси» ва «Заковат дурдоналарига оид» ёки «Халқ таботати олами»га доир 60 номдаги китоблар тадбир иштирокчилари, кенг китобсеварлар ҳуқмига ҳавола этилди. Шу ернинг ўзида китоб савдоси уюштирилди.

— Бу маросим китоблар тақдиротида бўлиб қолмай, иқтидорли талабаларни қўллаб-қуватлайди, — дейди «Янги аср авлоди» НММ маркетинг бўлими бошлиғи Маъсуда Мирзараҳимова. — Нашриёт чоп этаётган китоблар ичмам, қулай ҳамда арзондир. Биз ҳозир 150 йиллик китоб-матбаачилик таърихидаги эга «Macmillan Publishers Limited» компанияси билан алоқаларни йўлга қўйдик.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

### Осоишталик посбонлари

Воқеа яқингинада, ўтган ойнанинг 21 дан 22 октябрга ўтар кечаси, тунги соат иккидан ўн беш дақиқалар ўтганда рўй берганди. Бу пайтда сержант Шомирза Норбоев, Ислон Музаев, Ғайрат Исҳоқов, Саиджалол Қодиров ҳамда старшина Қидирбой Турлибековлар навбатчиликда эдилар. Бот-бот ўтиб турган автомашиналарни қўздан кечириб туришар, баъзиларини тўхташиб, ҳайдовчиларнинг ҳужжатларини текшириб қўйишарди. Ҳар дам-пидек иш, хизмат.

Ахир, транспорт қатнови камайса-да йўлларда қўйилмаган бахтсизлик рўй бериши мумкин. Буни олдини олиш, ҳушёрлик билан шаҳар йўллари ва кўчаларини кузатиб туриш лозим. Ким

ўзлари ҳам билмайдилар... — Тўғриси, биз сира ўйламагандик, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБ ИПХ бригадаси 5-булинмасининг 1-мобил гуруҳи инспектори, сержант Шомирза Норбоев. — Сирғали тумани айланма йўлида турардик. Тошкент томондан Сирғалига қараб «Матиз» автомашинаси катта тезликда келаятганини кўриб қолдик. Машина тобора яқинлашиб келарди. Унга тўхташ ишорасини бериб, таъқиқни қўтардик. Аммо машина тўхташ ўрнига янада тезлашиб ўтиб кетди. Бу ҳол бизда шубҳа уйғотди.

Шубҳа... Таассуфки, ИПХ ходими постда турган вақтда ўтаётган ҳар битта машинани тўғри ҳаракатлангани учун жавобгар.

**КАТТА ТЕЗЛИКДАГИ «МАТИЗ3»**



**ИПХНИНГ ҲУШЁР ХОДИМЛАРИ ТАЪҚИБИДАН ҚОЧИБ ҚУТУЛОЛМАДИ. УНИ БОШҚАРИБ БОРАЁТГАН КИМСАЛАР АШАДДИЙ ЖИНОЯТЧИЛАР БЎЛИБ ЧИҚДИ...**

билади дейсиз, айна шу дамда — одамлар ширин уйқудликдан фойдаланиб қайси бир эгри қўл бировнинг гаражидан машинасини ўйраб ёки маст ҳайдовчи фўқарони уриб кетиб, воқеа жойидан қочаятган бўлиши мумкин-ку?

Қора тун пардасида навбатчиликнинг масъулияти катта. Албатта, бундай кезде инспекторлар ёлғиз, кимсасиз жойлардан ўтишлари, бирон қор-хол юз берса, фақат ақлу идрок ва билла кучига таяниб, иш қиришларига тўғри келади.

Тунги кўз шамолчи юзга урилади. Совуқ қиш аччиғичлик бўлмаса-да, ҳар ҳолда этни жунжитадиган даражада.

Узгалар тинчлиги, осойишталиги ва тунни хотиржам ўтказишлари учун ўз ҳаловатларидан кечиб, транспорт ҳаракатини тартибга солиб турган бу йилги тадбир яна бирон дақиқалардан сўнг ҳаётларини ҳаф остига қўйиб, ҳаракатда тушишларини ҳали

Спорт

### БОКСЧИМИЗГА ТАЙСОН УМИД БИЛАН ҚАРАМОҚДА

Бугун бокс оламида Ўзбекистон спортчилари ўзига хос довруғ қозонапти. Ҳаваскорлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари олимпиада қолиблигини забт этган боксчиларимиз энди профессионал боксинг ўта оғир вазн тоифасида ҳам муваффақиятга эришмоқдалар. Профи-боксад энг оғирли ва энг машаққатли йўналиш хисобланмиш мазкур вазн тоифасида ғалаба қозониш осон эмас. Ҳамюртимиз Темури Ибрагимовнинг эса бирор марта ҳам мағлубиятга учрамай келаятганлиги, айниқса, қувонарлидир. Ҳозирча унинг ҳисобида 15 ғалаба (9 нокаут) ва бир дуранг бор.

Темурининг промуотери Степан Лендвел хабар беришича, боксчимизнинг навбатдаги рақиб маълум. У афсонавий боксчи Майк Тайсон устидан ғалаба қозонган Жеймс Дугласнинг ўғли Билли Дугласдир. Тайсоннинг илк мағлубиятига сабабчи бўлган ва ундан мутлақ чемпионлик унвонини тортиб олган боксчи ўзига секундантлик қилади. Ҳозиргача кичик Дуг-

ласнинг ҳисобида 10 ғалаба, 3 мағлубият бор.

Жангда Тайсоннинг яқин дўстлари — «Панама» Льюис ва Марио Коста Темури Ибрагимов тарафидан жангни кузатишади. Майк Тайсон ҳам ушбу жангни томоша қилиш учун келмоқчилигини билдирган. Боксчи ўзининг биринчи мағлубияти қасосини олиш учун Темури Ибрагимовга умид билдираётган бўлса не ажаб.

Шунингдек, спортимиз юлдузи кинога ҳам таклиф қилинмоқда. Москванинг «35 мм» кинотеатрида Темури Ибрагимов иштирокидаги «Марс» номли кинофильм тақдироти бўлиб ўтди. Фильмда Темури бош қарҳоман ижроқиси Георгий Куценкога қарши рингга чиққан.

**Анвар САМАДОВ**

Футбол

### «ПАХТАКОР» 118-ЎРИНДА

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси (IFFHS) жаҳон клубларининг октябрь ойи янгиликлар бўйича янги рейтингини эълон қилди. Мазкур рейтингдан дунёнинг етакчи 350 жамоаси жой олган.

Рейтинг натижасига мувофиқ, мамлакатимиз боз жамоаси — «Пахтакор» гарчи Осиё чемпионлар лигаси ярим финалида «Сеоннам Чунма» (Жанубий Корея) жамоасига ютқ-

азган (0:0, 0:2) бўлса-да, бир ой ичида 124-ўридан 118-пононага кўтарилиб олган. Рўйхатда Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол клуби қарвонбошлик қилмоқда. Аҳамиятлиси, пахтакорчилар жаҳон клублари таснифида Россиянинг «Спартак», «Шинник», «Крилья Советов», Латвиянинг «Сконто», Грузиянинг «Динамо» (Тбилиси) сингари етакчи жамоаларини ортда қолдирган.

### ИЛЁС ЗЕЙТУЛЛАЕВ «УДИНЕЗЕ»ГА ЎТАДИМИ?



Сўнги икки йилда Италиянинг «Ювентус» (Турин) клуби ёшлар жамоаси таркибидан тўп сурган Илёс Зейтуллаевнинг кейинги фаолияти қандай кечадиган? Бу савол ҳозирда нафақат мутахассисларни, балки мухлисларни ҳам бир-

дек қизиқтирмақда.

Охириги маълумотларга қараганда, «Ювентус»нинг асосий таркибидан муқим жой ололмаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Илёс Зейтуллаевга бир қатор номдор клублардан таклифлар тушган. Жумладан, Италиянинг «А» сериясидаги «Удинезе», «Сампдория», қуйи табақадаги «Салернитани», «Тернани» клублари раҳбарлари ҳамюртимизни ўз таркибларига қўйиш ниятидалар. Шунингдек, Россиянинг «Локомотив» (Москва) жамоаси ҳам Зейтуллаев билан музокара олиб боришга тайёр.

Интернет орқали олинган хабарга кўра, ўтган ҳафта Илёс кўриқдан ўтиш мақсадида «Удинезе» жамоаси таркибига келиб қўшилган. Қувонарлиси, иқтидорли ярим ҳимоячимиз қисқа фурсатда янги жамоанинг асосий таркибидан қуйи дивизиондаги «Портоусуммага» клуби билан уюштирилган ўртоқлик учрашувидан кейин тўлиқ ҳаракат қилди. «Удинезе» футболчилари ғалабаси (3:1) билан тугаган мазкур ўйинда тўпларнинг бирини Илёс Зейтуллаев киритган.


Ҳозирча тўққиз турдан сўнг «А» сериясининг 10-пононасида бораётган «Удинезе» клуби раҳбарлари Илёс билан шартнома имзолашга шойлаётганлари йўқ. Агар Зейтуллаевнинг мазкур клуб билан музокаралари ижобий ечим топмаса, футболчимиз яна бир номдор жамоа — «Сампдория»да ўз омадини синаб кўришни мулжалламақда.

### ЗИЁДУЛЛА БАХШИ ДЎМБИРАСИ

Оқтош шаҳрида яшаб ижод қилаётган Зиёдулло бахши Ислонмова мустақиллигимизнинг 13 йиллик тўйи арафасида «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони берилди. Авлоддан авлодга ўтиб келаятган «Алпомиш», «Гўрўгли», «Кунтуғмиш», «Орзиғул», «Ширин билан Шакар» каби достонлар Зиёдулло бахшига отаси Ислон шoirдан мерос бўлиб қолди. Энди у ўз навабатида шoirларига бахшичиликдан сабоқ бермоқда.

Зиёдулло бахши бир неча бор республикамиз бахши шoirлар кўрик-танловларида фаол иштирок этган. Айни пайтда Дилшоҳ Ҳамроев, Райхона Ҳамдамова, Тўхтамурад Тоғаев ва бошқа ёш бахшилар Зиёдулло бахшидан дўмбира жўрлигида достон ҳамда термаларни ўрганимоқда.

Суратда: Зиёдулло бахши Ислонмова. Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат



### «01» хизмати огоҳлантиради

### ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

Совуқ кунлар бошланмоқда. Бундай кезларда кишилар энг аввало яшаш жойларини иситиш пайида бўлади. Иссиқлик тармоқлари яхши ишламагани боис қўнчилик газ, электр қувайти ёрдамида уйларини иситиш бора гап.

Бироқ айримлар газ ва электрдан фойдаланаётганда бепарволикка йўл қўядилар. Натijaда бу бепарволик, хотиржамлик йўқолишига, рўзгордан қўт-баракка қўшишга, кишилар бир умрга ногирон бўлиб қолишига, янада аянчлиси, жудоликкача бориб етади. Масалан, биргина шу йилнинг ўзида газ ва электр ускуналариини ишлаб-таътиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган ҳолатлар оқибатида Тошкент шаҳридаги хонадон-

ларда 93 та ёнгин содир бўлган. Уларда 4 нафар киши жиддий тан жароҳати олган.

Албатта, бу ўтган йилга қараганда анча кам. Чунки ўтган йили газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида 8 нафар киши ҳаёт билан видолашганди. Масалан, Собир Раҳимов туманида истикомат қилган Н.Ухона, овақат қилиш учун қозонга ёғ қуйган маҳал телефон жиринглаб қолади. Гап билан бўлиб қозондаги ёғни унутади. Ёғ аланга олиб, ошхона жиҳозларини ёндириб бошлайди. Наталья оловни ўчиришга киришади. Олов — тилсиз ёв. Натijaда Наталья жиддий тан жароҳати олиб, қуйганлар марказида ҳалок бўлади.

Юқоридаги ҳолатга ўхшаш нохуш ҳодиса Миробод туманида ҳам содир бўлди. 3-гуруҳ

ногирони Владимир Федечкин ошхонасида чиққан ёнгининг қурбонига айланган.

Фўқароларга яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз: газ хидини сезганда гурурт чака кўрманг, электр чирокларини ёқманг. Барча газ ва электр тармоқларини соз ҳолда сақланг. Газ қувурларини ўзбошимчилик билан хонадонларга улаб олишдан тийилинг. Шунда шум тақдирга рўбарў бўлишдан ўзингизни сақлайсиз. Қисқаси, унингиздан офат бало-си чиқмаслиги учун газдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраймиз.

**Солоҳиддин НОРҚУЗИЕВ,**  
Миробод тумани ИИБ ЕХБ инспектори

### ДИҚҚАТ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ!

**ХЎРАМТЛИ ҲАМИЮРТИЛАР!**

Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан фўқароларда иштиш мосламаларига бўлган эҳтиётчи бирмунча ортади. Бу эса ёнгин хавфи орттишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябр куниндаги 622-Ф сонли Фармойишига асосан бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун 10 ноябрдан 10 декабргача мамлакат бўйлаб «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Мақсад — халқ ҳўжаслиги масканлари ва аҳоли турар-жойларида ёнгин хавфсизлиги таъбирларини кўчатириш орқали ўз бериши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, улар оқибатида келиб чиқадиган қўнчилиқ ҳолатларини кескин қисқартириш ҳамда фў-

қаролар орасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишидир.

Азиз ватандошлар!

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлашимизки, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкисизни, уй-жойингизни ёнгиндан асрадан, шунингдек, яқинларингизни таъминласан бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўтказилишида фаол иштирок этишларга аввалдан самимий миннатдорчилик билдиради.

На асосини Постановления Кабинета Министров РУз. №376 от 06.08.2004г. «О преобразовании Государственно — акционерной корпорации «Уздоммакселот» в акционерную компанию было проведено совместное внеочередное общее собрание ОАО «Тошкент гуруҳ» и ОАО «Тошкентдоммакселот» протокол №14 от 17.09.2004г. в результате чего была произведена реорганизация акционерного общества ОАО «Тошкент гуруҳ» в форме присоединения к ОАО «Тошкентдоммакселот» в связи с чем все претензии принимаются в течение месяца.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси Халқ банкининг фахрий ишчиси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **Иль Романович БОЗОРОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси Марказий идора ходими А.Умарова падари буруковори **Абдуҳақим Азимович УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

**BOSH MUHARRIR:**  
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**  
**Abdulla ORIPOV**  
**Asliddin RUSTAMOV**  
**Ashur QODIROV**  
**Nobir ALIMOV**  
**Habib SA'DULLA**  
**Norbobo SHAKAROV**  
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
**Alimqul SULTONOV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
**Andrey ORLOV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)  
**Nomoz SA'DULLAYEV**  
**To'lepbergen QAIPBERGENOV**  
**Muslihidin MUHIDDINOV**  
**Olim MURODOV**  
**Abdug'ani MAMASODIQOV**  
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ  
MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**  
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot**  
133-44-55  
**Ma'naviyat va ma'rifot**  
133-69-45  
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot**  
133-20-36  
**Parlament va huquq**  
136-76-21  
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik**  
133-21-43  
**Xahtar va ommaviy ishlar**  
133-12-56 (Tel. Faks)  
**Mas'ul kotib**  
133-72-83  
**Reklama va e'lonlar**  
133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
**Andijonda —**  
25-32-70  
**Buxoroda —**  
222-10-92  
**Gulistonda —**  
25-03-80  
**Jizzaxda —**  
5-49-85  
**Navoiyda —**  
3-39-20  
**Namanganda —**  
6-43-43  
**Nukusda —**  
222-70-15  
**Samarqandda —**  
35-20-54  
**Urganchda —**  
226-51-35  
**Farg'onada —**  
26-43-62  
**Termizda —**  
3-79-98

**MANZILIMIZ:**  
700000, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.  
Navyabtehi:  
Ma'murjon QIYOMOV  
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida tenli va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchi:  
Ikromjon ISMOILOV  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvidagi chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
Г — 159  
7259 nusxada bosildi  
t — Tижорат материалы  
O'za yakuni — 21.00.  
Toshirish vaqti — 21.00.  
1 2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda